

Собиқ сиёсий маҳкумлар нега яна қайта қамалмоқда?!

Тошкентда 23 нафар фуқаронинг суди бўлмоқда. Бу йигитларнинг ҳар бири диктатор Каримов даврида қамоққа ташланиб, то унинг ўлимигача зиндонда қолган эдилар. Улар 1999-2000 йилларда Ҳизб ут – Таҳрир Исломий сиёсий партиясига аъзоликда айбланиб судланган ва зоналарда яна бир неча бор янги муддатлар қўшилиб, 20 йиллар давомида ўта оғир шароитларни бошларидан ўтказишган. Ўшанда, яъни 1999 йиллардаги оммавий қамашлар натижасида Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан бир неча минглаган даъватчи йигитлар ва аёллар қамоқларга ташланган эди. Бу йиллар давомида тергов қийноқлари, қамоқхоналардаги “ломка” – (синдириш)лар ва ўта оғир, ғайриинсоний шароитлар натижасида бир неча юзлаган биродарларимизнинг жонсиз таналари оилаларига қайтарилди. Уларнинг кўкариб кетган таналари зиндонлардаги даҳшатли қийноқлардан тилсиз ҳикоя қилиб турар эди. Устиларидан қайноқ сув қуйиб ўлдирилган, тирноқлари суғурилган, кўкраклари кесиб ташланган, калтаклар зарбидан қорайган ҳолда уйларига ташлаб кетилган биродарларимизнинг жасадлари юзлаган оилалардаги ота-оналар ва мурғак фарзандларнинг дилларини вайрон қилди...

Золим каримовнинг шармандали ўлимидан кейин бошқарувга келган Мирзиёев қамоқда қолиб кетаётган Ҳизб ут-Таҳир йигитларини муддатлари тугаши муносабати билан озодликка чиқара бошлагач, мазлумлар хонадонларига қувонч қайтгандек бўлди. Аммо бу қувонч узоққа чўзилмади. Мирзиёев ўз атрофидаги айрим тўдаларнинг маслаҳатига қулоқ тутиб, устози Каримов давридаги зулм машинасини қайта ўтолдирди. Яна тергов ва зоналарда қатллар, таъқиб-таъйиқлар ва қайта қамашлар авж ола бошлади. Терговларда босим кучайган ва шу жумладан юқорида номлари тилга олинган биродарларимиз ичидан айримларини аёлини зўрлаш, ўғилларини қамаш билан кўрқитиб, айблов хулосаларига имзо чекишга мажбурланган...

Ҳозирда Тошкент шаҳрида судланаётган 23та йигитнинг барчаси 20 йиллар давомида қамоқда бўлиб, эндигина оиласи бағрига қайтган эдилар. Улар динимизга тўлиқ амал қилишни хоҳлаган, ноҳақликларга сукут сақламаган, сўнгра ўз фикри ва эътиқоди ортидан айбланиб, зоналарда қарийб чорак аср мислсиз ғойриинсоний азобларни бошларидан ўтказган замонамизнинг мард кишиларидир. Таъкидлаш лозимки, бу йигитларнинг террорчиликка ҳеч қандай алоқаси бўлган эмас. Ҳозирда уларга қўйилаётган айбловлар 1999-йилдагидан асло фарқ қилмайди. Ўз.Р.ЖК.нинг 159-, 244-моддаларида назарга тутилган жиноятларга бу йигитлардан бирортасининг аввалда ҳам, ҳозирда ҳам мутлақо алоқаси йўқ. Чунки улар конституциявий ҳокимият органлари фаолиятига ҳеч қандай тўсқинлик қил эмаслар. Шунингдек, конституцион тузумни зўравонлик билан ағдариш ҳаракатлари ҳам улардан умуман содир этилмаган. Улар бутун олам халқлари ва жумладан Ўзбекистон аҳолиси ҳам бахт-саодат ва фаровонликка қачонки Аллоҳ таоло чизиб берган илоҳий қонунлар билан яшасаларгина эришадилар, деган фикр ва эътиқод эгаларидир. Бундай фикр ва эътиқодда бўлиш – конституцион тузумни куч билан ағдаришга уриниш ёки моддий тўсқинлик қилиш дегани эмас! 1999 йил 16 февралда Тошкенда содир этилган қўпуровчилик ҳаракатлари

алоҳида масала бўлиб, бундай ҳаракатларнинг Ҳизб ут-Таҳрир сиёсий партиясига мутлақо алоқаси йўқ. Ҳизб ут-Таҳрир оламий сиёсий ҳизб, у ўз ғоясини рўёбга чиқаришда фақат фикрий ва сиёсий кураш йўлидан боради.

Энди Ўзбекистон режимининг йигитларга қўяётган айбловларига қайтсак, бу айбларнинг бирортаси терговларда ўз исботини топган эмас. Балки бу “конституцион тузумни ағдариш..” айблови аввалги режим давридагидек ҳозирда ҳам шунчаки тухмат бўлиб қолмоқда. Фикримизнинг исботи учун Ҳизб ут-Таҳрир партиясининг ғоявий дастурлари, фикрий ва сиёсий манбаларини ҳамда йигитларнинг тергов давомида берган кўрсатмаларини кўздан кечиришнинг ўзи кифоя. Аммо афсуски, бундай холис текширувларга ҳукумат чорак асрдан буён бирор марта қадам қўймади ва бундан кейин ҳам қўймоқчи эмасдек. Демак, айтиш мумкинки, бугунги раҳбарлар Ислом билан яшайман, деган эътиқод эгаларига қарши курашга чиқмоқда ва бунда ўзларига тарихдаги жоҳиллар йўлини дастуруламал қилмоқда. Мусулмон ўлкаларига вабодек кенг тарқатилаётган фаҳш ишларга эса кенг йўл очиб берилаётгани ҳар қандай ақл эгасига ушбу ҳақиқатни очиқ баён қилиб турибди. Қолаверса, динимизда буюрилган эзгуликларга қарши турли кўринишларда олиб борилаётган курашлар тепамиздаги ҳукуматнинг ҳам қандай танлов устида эканлигига далилдир.

Кейинги раҳбарнинг зоналарда ўз фикрларида собит турган бу йигитларимизни муддатлари тугугач, озод қилиб, яна маълум йиллардан кейин ўша фикр ва ғоялари туфайли қайта қамоққа тиқиши мантиқсизлик эмасми?! Бу йигитлар халқимиз ва юртимизга нисбатан фақат эзгулик тарафдорлари, улар асло бузғунчи эмаслар. Ва таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон режимининг бугунги қилмишлари олам мусулмонлари муҳокамасида...

Биз Ҳизб ут-Таҳрир сиёсий жамоаси Ўзбекистон ҳукуматини бундай разилликларни қайта такрорламасликка чақирамиз. Ҳукумат раҳбарининг 1999 йиллардаги Каримов режими хунрезликларига яна қайтиши ҳукуматни тарих саҳифаларига энг жирканч ном билан муҳрланишига сабаб бўлишидан яна бир бор огоҳ этамиз. Судни тўхтатинг! Терговларни тўхтатинг! Юртимизнинг онги соғлом уйғоқ кишиларига тажовузларни бас қилинг! Йигирма йиллар зулм тегирмонларингиз ичида яшаб тирик қолган азизларимизни яна қайта зиндонга ташлашдан қўрқинг! Ғазо аҳлининг геноциди билан лаънатланаётган сионистлар ва Шарқий Туркистон қатлиоми учун эртага, албатта надомат қилувчи Хитой раҳбари билан бир қаторда жавобгарликка рўбарў бўлишдан сақланинг! Аллоҳнинг олдидаги даҳшатли ҳисоботдан қўрқинг! Зеро у Кун олам эшикларини қоқмоқда!

﴿وَأَخْرَىٰ تُحِبُّونَهَا نَصْرَ مَنِ اللَّهُ وَفَتْحَ قَرِيبٍ وَبَشِيرَ الْمُؤْمِنِينَ﴾

"Ва (Аллоҳ сизларга) яна бошқа сизлар суядиган (бир неъматни ҳам берурки, у) Аллоҳ томонидан бўлган ғалаба ва яқин(да рўй бергувчи) фатҳдир. (Эй Муҳаммад), мўминларга (мана шу) хушxabарни етказинг!"
[Соф:13]

29 Зулҳижжа 1445

05 июл 2024

Ҳизб ут-Таҳрир

Ўзбекистон